

Юридик шахслар (корхона, ташкилот, муассаса) ва ЯТТлар учун каттик маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш ва сақлаш хизматларини кўрсатиш

24. Янв 2022 йил

бўйича
ШАРТНОМА № 91

Термиз шаҳар

Бундан буён матнда «Ижрочи» деб аталувчи, корхона тўғрисидаги Низом асосида фаолият олиб боровчи «BIO TEXNO EKO» маъсулияти чекланган жамият номидан раҳбар И.К.Расулов бир томондан ва бундан буён матнда «Истеъмолчи» деб аталувчи номидан, Устав (Низом) асосида фаолият

Юритувчи Вилоятруқий асаб касалликлари шифохонаси

номидан раҳбар М. А. Саидов иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида шартнома туздилар:

1. Шартнома мазмуни

- 1.1. «Истеъмолчи» келишувга асосан ҚМЧларни белгиланган жойга чиқаради, «Ижрочи» эса каттик маиший чикиндиларни график асосида сигнал тизими ёки чикиндиларни сақлаш жойларидан ташиб чикиб кетиш ишларини бажаради, «Истеъмолчи» эса кўрсатилган хизмат учун ҳақ тўлайди.
- 1.2. «Истеъмолчи» томонидан ҳосил бўлган чикиндилар учун буюртма берилмаганида «Ижрочи» эса каттик маиший чикиндиларни график сигнал тизими ёки чикиндиларни сақлаш жойларидан ташиб чикиб кетиш ишларини бажаради, «Истеъмолчи» эса буюртма бермасдан чикиндиларни сақлаш жойларига чиқариб ташлаганлиги ёки ноқонуний чикинди хоналарни ташкил қилганлиги натижасида «Ижрочи» томонидан кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлайди.
- 1.3. Термиз шаҳар, Термиз ва Ангор туман ҳудудларида ҳосил бўладиган каттик ва маиший чикиндиларни олиб кетиш билан боғлиқ хизмат кўрсатиш мазкур жамиятнинг зиммасига юклатилганлиги сабабли чикиндиларни ташиш билан боғлиқ хизматларни «BIO TEXNO EKO» маъсулияти чекланган жамият томонидан амалга оширилади.

2. Шартнома предмети

- 2.1. ҚМЧ (каттик маиший чикиндилар)ни иловага мувофиқ ойлик калькуляцияси асосида амалга оширилади.
- 2.2. Суюқ чикиндиларни (ҳожатхона ва ҳаммом чикиндилари ҳамда шунга ўхшаш) иловага мувофиқ ойлик калькуляцияси асосида амалга оширилади.

Қўшимча хизматлар тури

- 2.3. Қурилиш чикиндилар (кум, тош, бетон, тупрок, шифер синиқлари ва бошқалар) томонларнинг ўзаро келишувига биноан қўшимча ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади.
- 2.4. Агротехник ишлардан чиқадиган чикиндилар (шоҳ-шаббалар, буталар ва бошқалар) томонларнинг ўзаро келишувига биноан қўшимча ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади.

3. Ҳисоб китоб қилиш тартиби

№	Хизмат тури	Тўлов тан нархи бир куб учун (сўм)	Кушил ган киймат солиги 15%	Жами тулов кушилган киймат солиги билан	Чиқарилган чикинди миқдори куб		Чиқарилган чикинди миқдори сўм	
					Бир ойда	Бир йилда	Бир ойда	Бир йилда
1	ҚМЧларни чиқариш	75 000	11250	86 250	57000 куб	171000 куб	4916250 сўм	14748750 сўм (жами сумма)
2	Суюқ чикиндилар чиқариш	75 000	11250	86 250	куб	куб	сўм	сўм (жами сумма)

4916250
14748750 (Ҳаётда ишлатилган етти юз кўчрак сажжасининг етти юз эллик) сўм
(Жами сумма сўз билан ёзилган)

«Истеъмолчи» 100 фоиз миқдорда олдиндан тўловни амалга оширади.
Ҳар ойнинг 10 санасига қадар тўловлар тўлиқ тўлаб берилиши лозим.

4. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

4.1 «Ижрочи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- «Истеъмолчи» томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги учун жавобгарликка тортиш чораларини кўриш. Неустойка ундириш.
- «Ижрочи» норматив ҳужжатларда белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2 «Ижрочи» қуйидагиларга мажбур:

- белгиланган муддатларда каттик маиший чикиндиларни олиб чикиб кетишни амалга ошириш;
- ҚМЧни олиб чикиб кетиш бўйича хизматлар учун электрон тизимини татбиқ этиш ва реал вақт режимида шахсий ҳисоб варақларнинг ҳолатини кузатиб бориш;
- ҚМЧни олиб чикиб кетиш хизматларининг амалга ошириладиган режими ва сифати бўйича «Истеъмолчи»нинг мурожаатлари (аризалари, таклифлари, шикоятлари) шунингдек уларнинг ижросини ҳисобини олиб бориш;
- Чикинди йиғиладиган масканларни ва контейнерларни тегишли ҳолатда бўлишини назорат қилиш;
- Йиғилган чикиндилар ҳисобини юритиш;
- «Истеъмолчи»га чикиндиларни олиб чикиб кетиш учун кўрсатилган хизмат учун тўловлар амалга оширилганлиги ҳақидаги маълумотларни бепул тақдим этиш, шунингдек қарздорлиги мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотни бериш.

4.3 «Истеъмолчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- «Ижрочи»дан каттик ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш хизматларининг ҳажми ва сифати, уларнинг кўрсатилиши шартлари, хизматлар учун тўлов миқдорларининг ўзгаргани ва тўлов тартиби тўғрисидаги ахборотларни олиш, хизматлар учун электрон тўлов тизими орқали тўлаш ва реал вақт режимида шахсий ҳисоб варақларнинг ҳолатини кузатиб бориш;
- ҚМЧни ўз вақтида ташиб чикиб кетилишини доимий назорат қилиш, тасдиқлаш йўналиш жадвали бузилган ҳолларда «Ижрочи»га ёзма равишда хабар беради;
- «Истеъмолчи» қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.4 «Истеъмолчи» қуйидагиларга мажбур:

- хизматлар учун шартнома тузиш ва унинг талабларини бажариш;
- ҚМЧ йиғилиши ва сақланиши учун махсус контейнерларни сотиб олиш ёки ижарага олиш;
- ҚМЧни олиб чикиб кетиш муддатига биноан керакли миқдорда чикиндиларни белгиланган жойда йиғиш;
- ҚМЧни тоифаларга ажратилган ҳолда ташлаш;
- ҚМЧни сақлаш учун белгиланган жойларга ёнғин чиқарадиган чўғ, кўмир, қул ва бошқа аланга олувчи воситаларни ташламаслик;
- ҚМЧни йиғиш ва сақлаш жойларига қурилиш чикиндиларини ташламаслик;
- ҚМЧни йиғиш учун белгиланган жойига йирик ҳажмдаги чикиндилар, шоҳ-шаббалар билан тўлдирмаслик, аксинча уларни махсус жойга йиғиш ҳамда бу чикиндиларни ташиб кетиш учун алоҳида шартнома тузиш;
- ҳосил бўлган чикиндиларни олиб кетиш учун махсус чикинди автомашиналарига қулай жойга йиғиш ва унинг эркин ҳаракатланишини таъминлаш;

- ҚМЧни кўчаларга, сув йўлларига, ариқ ва каттик маиший чикиндиларни тўплаш ва кўмиб ташлаш учун ажратилмаган жойларга, шунингдек, ҳаракатдаги автотранспорт воситасидан йўлақлар ва кўчаларнинг транспорт юрадиган қисмига ташламаслик, чикиндиларни қорхона ҳудудида ва рухсат этилмаган жойларда кўмиб ташлашга йўл қўймаслик;
- “Чикиндилар тўғрисида”ги қонун ва маҳаллий ҳокимият қарорлари ҳамда фармоишларига зид фаолият юритмаслик.

5. Томонларнинг жавобгарликлари

5.1 “Ижрочи” қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлади:

- хизмат кўрсатиш муддати бўзилганда

- шартнома бўйича лозим даражада хизмат кўрсатилмаганда

5.2 “Ижрочи” томонидан ҚМЧ келишилган вақтда олинмаган тақдирда “Истеъмолчи” ёзма равишда мурожаат этиб, “Ижрочи”нинг вакилини далолатнома тузиш учун чақиртириши керак. Агар “Ижрочи” ушбу хабарномадан сўнг ўз вакилини далолатнома тузиш учун юбормаса, ёки 72 соат ичида ҚМЧни олиб чиқиб кетмаса, “Истеъмолчи” жамоатчилик иштирокида далолатнома тузади ва ушбу далолатнома айбдорга нисбатан шартномада кўрсатилган жавобгарлиқни қўллаш учун асос ҳисобланади. “Истеъмолчи” 6.2 бандидаги талабларни бажаргандан сўнг, “Ижрочи”дан олиб чиқиб кетилмаган ҚМЧ ҳажми қийматидан 0,4% миқдорда, лекин умумий сумма бажарилмаган иш суммасининг 50%дан ошмаган миқдорда пеня ундиради.

5.3 “Истеъмолчи” қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлади:

“Истеъмолчи” бажарилган иш ҳажми учун тўловларни тўлашни шартномада кўрсатилган муддатдан кечиктирган тақдирда кечиктирилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,4% миқдорда, лекин кечиктирилган тўловнинг 50%дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.4 “Истеъмолчи” томонидан ҚМЧни яшириш, ҳосил бўлган чикиндини тақдим этмаслик ёки ҚМЧга бошқа тоифадаги чикиндиларни аралаштириш, бу ҳақда “Ижрочи” билдирги тузади ва ун вилеят Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг ҳудудий бўлимларига тақдим этади. Ушбу билдирги иш тўлиқ бажарилди деб ҳисобланишига ва тўлиқ миқдорда тўлов амалга оширилишига асос бўлади.

5.5. “Истеъмолчи” Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги №787-сонли қарори талабига биноан чикинди ташиш машиналарига бўша тиш учун тўртта гилдиракчалар билан жиҳозланган ва мустақкам олд деворига, шунингдек, махсус автотранспорт воситасининг манипулятори билан ишлаши учун мосламага эга бўлган контейнерларни чикинди хоналарига жойлаштирган бўлиши шарт, агар ушбу контейнерлар чикинди хоналарига жойлаштирилмаган бўлса ва чикинди хонага махсус автотранспорт воситасининг киришига бир қатор тўсиқлар мавжуд бўлганда, ишчиларнинг қўл кучи билан бажариладиган ишларга ўзаро келишувга биноан хизмат хақи ҳисобланади.

5.6 “Истеъмолчи” 3 бандига мувофиқ тарафлар ўзаро ихтиёрий равишда келишган суммани тўламаган тақдирда СанПин Руз № 0297-11 нормасига асосан ҳар ойда иловага мувофиқ қайд этилган катъий суммани тўлайди.

6. Низоларни ҳал қилиш тартиби

6.1 Шартномани бажариш пайтида юзага келган муаммолар томонларнинг ўзаро музокаралари орқали ҳал қилинади. Тарафлар ўртасида шартномани тузиш, ижро қилиш, ўзгартириш, бекор қилиш, шунингдек, етказилган зарарни ундириш юзасидан низолар келиб чиққан тақдирда доимий фаолият юритувчи Термиз туманлараро ҳакамлик судига мурожаат қилинади.

6.2. Шартномалар юзасидан келиб чиқадиган қарздорликлар бўйича низоларни ҳеч қандай битимларсиз, доимий фаолият кўрсатувчи Термиз туманлараро ҳакамлик судининг муҳокамасига топшириш бўйича икки томонларнинг ихтиёри билан тузилган шартнома бир вақтнинг ўзида икки тараф томонидан тузиладиган ҳакамлик судига топширилиши лозим бўлган битим қучига эгадир, доимий фаолият кўрсатувчи Термиз туманлараро ҳакамлик судига топширилишида битим талаб қилинмайди ва мазкур шартнома бир вақтнинг ўзида битим қучига эгадир, ҳакамлик муҳокамаси тарафларнинг иштирокисиз қўрилади ва ҳакамлик судига тақдим этилган ҳужжатлар асосида ҳал этилади ҳамда ҳакамлик суди тарафларни хабардор қилмайди.

6.3. Шартнома юзасидан келиб чиқадиган қарздорлик бўйича (қарздорликларини) тўлашдан қочиш ёки бўйин товлаш икки томонлама солиштирма далолатномага нисбатан чеким муҳр босиб тасдиқламаса мазкур шартнома бир вақтда ўзида бажарилган ишлар юзасидан бир томонлама солиштирма далолатномага биноан ундирилишига қаратилган ҳизматлардан бири бўлиб хизмат қилади.

7. Форс-мажор

7.1 Форс-мажор ҳолати содир бўлганда томонлар шартномада кўрсатилган мажбуриятлардан озод этиладилар (қорхонанинг тугатилиши, раҳбар ёки жавобгар шахс ўзгариши, молиявий қийинчиликлар қабилар форс-мажор ҳолатига қирмайди)

8. Қўшимча шартлар

8.1 Маҳаллий ҳокимият вакиллиги органи томонидан чикиндилар учун кўрсатиладиган хизмат нархлари ўзгарган тақдирда “Ижрочи” белгиланган тартибда бир томонлама хизмат нархларини ўзгартиришга ҳақлидир. Бу ҳақда “Истеъмолчи”га ОАВ орқали маълум қилинади.

8.2. Томонларнинг манзили, қорхона номи, ҳисоб рақами ўзгарган тақдирда ҳамда ҚМЧ ҳажми ўзгаришига таъсир этувчи омиллар пайдо бўлганда бир томон иккинчи томонга 10 кун ичида ёзма маълумот беради.

9. Шартноманинг муддати

9.1 Ушбу шартноманинг амал қилиш муддати “24” 01 2022 дан “31” 12 2022 йилгача белгиланади.

(Изоҳ: бунда бюджет ташкилотлари билан тузилган шартномаларнинг қучга кириш санаси туман Ғазначилик бўлини масида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб ҳисобланади).

9.2 Шартномани муддатидан олдин тўхтатмоқчи бўлган томон иккинчи томонни бу ҳақида бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантиради.

9.3 Истеъмолчи Шартнома муддати тугагандан сўнг ёзма равишда бошқа муносабат билдирмаса, шунингдек “Ижрочи” томонидан кўрсатилган хизматларни қабул қилишни давом эттирган тақдирда шартнома ўз қучини йўқотмаган ҳисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилар билан тузилган шартномалар бундан мустасно.

9.4 Шартнома предметида доир Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ўзгартириш киритилган тақдирда, Тарафлар қўшимча шартнома тузган ҳолда тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни киритишади.

9.5 Ушбу шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган 2 нусхада (бюджет ташкилотлари учун 3 нусхада) тузилиб, бир нусхаси “Истеъмолчи”да иккинчи нусхаси “Ижрочи”да (бюджет ташкилотлари учун учинчи нусхаси юқори турувчи ташкилот ҳисоблаган _____ да) сақланади.

Изоҳ: қўшимча хизматлар тури учун алоҳида тузилган шартномалар асосида тўловлар амалга оширилади. ҚМЧ график асосида сигнал тизими бўйича олинганда контейнерлар юзасидан шартнома тузиш истисно қилинади. Бунда ташкилотларга ҚМЧни йиғиш ва сақлаш учун жамоат жойларига қўйилган контейнерлардан фойдаланишига рухсат этилади. График асосида хизмат кўрсатилганда “Ижрочи” томонидан иш тўлиқ бажарилган деб эътироф этиш учун асос бўлади.

10. Томонларнинг юридик манзили ва тўлов реквизитлари:

«Ижрочи»

«ВІО ТЕХНО ЕКО»

Маъсулият чекланган жамият

Манзил: Термиз шаҳар, Муқимий кўчаси 77

Тел./факс: 76-221-07-65

(93-790-46-46 телеграм ва мурожаат учун)

<https://t.me/biomulogotbot>

Тел.: 93-790-46-46

х/р: 20208000400724735001

Банк: ТИФ “Миллий банк” Термиз шаҳар филиали

МФО: 00324 ЧИНН: 304649944 ОКЭД: 38210

Раҳбар: И.К.Расулов

«Истеъмолчи»

Вилеят рўқий асасб ҳасамлик

Манил: Термиз тумани

Тел./факс:

х/р: 1000186022207043201054001

Банк: МБ ББ ХҚҚМ Тошкент ш

Мотия барирли Ғазначилик

МФО: 00014 ИНН: 901466102

ОКЭД:

х/р: 3340100030010001010

Раҳбар: М.А.Саидов

(Ф.И.Ш.)



Юрист визаси: Мен «ВІО ТЕХНО ЕКО» маъсулият чекланган жамиятининг юристи, ушбу шартнома лойиҳаси амалдаги Ўзбекистон Республикаси Ғуқаролик Колекси, “Ғуқалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси Ўқрисида” ги Қонун ва бошқа Қонун ҳужжатлари талабларига мос келишлигини аниқлайди:

“24” 01 2022 йил

Р.Ж.Ураков

TERMIZ SHAHAR HOKIMLIGI
HUZURIDAGI TADBIRKORLIK
SUB'EKTLARIGA DAVLAT
XIZMATLARI KO'RSATISH
YAGONA DARCHA MARKAZI



ТЕРМИЗ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ҲУЗУРИДАГИ ТАДБИРКОРЛИК
СУБЪЕКТЛАРИГА ДАВЛАТ
ХИЗМАТЛАРИ КУРСАТИШ
ЯГОНА ДАРЧА МАРКАЗИ

ЮРИДИК ШАХСНИ ДАВЛАТ РЎЎХАТИДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

ГУВОХНОМА

Республика тартиб рақами 2964
2017 йил 15 феврал

№ 1460

Маълум гувоҳнома юридик шахс "BIO TECHNO EKO" МАСЪУЛИЯТИ
ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ
(Ўзбек тилидаги гувоҳнома)

Диндорнинг - ҳукумат чекли

МЧДЖ

ТХШ

152

Муассислик шакли

МЧЖ

МШ

142

Давлат рўйхатидан ўтган
қўлдан олинган маълумот

И.Термизий, кучаси
14-уш.

МХОБТ

1722401

Ўзбекистон Республикаси

КЭМТ

20906669

Салтқўзловнинг тўлиқ афсусдорлиги

С.ПНР

394649944

Қўлдан олинган маълумот



Handwritten signature



XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy, 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94, (76) 221-74-81

2021 йил «21» октябрь

VI-37-113-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

Qattiq, suyuq maishiy chiqindilarni to'plash va olib chiqish (ketish) xizmatlari tariflarini o'zgartirish to'g'risida

Qattiq, suyuq maishiy chiqindilarni to'plash va olib chiqish (ketish) xizmatlari tariflarini o'zgartirish to'g'risida "Toza hudud" davlat unitar korxonasi rahbari E.Begimqulov, "Biotexnoeko" mas'uliyati cheklangan jamiyati ta'sischisi I.Boqijonovning hisoboti xalq deputatlari viloyat Kengashining Sanoat, qurilish, kommunal soha va aholiga xizmat ko'rsatish masalalari bo'yicha doimiy komissiyasi yig'ilishida eshitilganligini va bildirilgan fikr-mulohazalarni inobatga olib, xalq deputatlari viloyat Kengashi **qaror qiladi:**

1. Xalq deputatlari Surxondaryo viloyati Kengashining Sanoat, qurilish, kommunal soha va aholiga xizmat ko'rsatish masalalari bo'yicha doimiy komissiyasining yig'ilishi 2021-yil 25-avgust kuni ZOOM dasturi orqali o'tkazilganligi ma'lumot uchun qabul qilinsin.

2. Viloyat Moliya bosh boshqarmasining "Toza hudud" davlat unitar korxonasiga 13.07.2021-yildagi 22-05-13/3361-son xati hamda "Biotexnoeko" mas'uliyati cheklangan jamiyatiga 11.03.2021 yildagi 22-05-13/1210-son xulosa xatlari va Monopoliyaga qarshi kurashish qo'mitasi viloyat hududiy boshqarmasining 01.06.2021 yildagi 01/03-509-sonli berilgan xati inobatga olinsin.

3. Hududlarni qattiq, maishiy chiqindilarni to'plash va olib chiqib ketish xizmati uchun to'lovlar tariflarini o'zgartirish ilovaga asosan tavsiya etilsin.

4. Quyidagilar:

barcha jismoniy va yuridik shaxslar mazkur qaror bilan belgilangan tariflar asosida chiqindilarni to'plash va olib chiqib ketish xizmati uchun to'lovlarni o'zining o'ninchi sanasidan kechiktirmay amalga oshirish;

qattiq, suyuq maishiy chiqindilarni to'plash va olib chiqish xizmatlari uchun yuridik shaxslar va yakka tartibdagi tadbirkorlar tomonidan to'lov iste'molchilar va xizmat ko'rsatuvchi tashkilotlar o'rtasida tuziladigan shartnomalarga muvofiq bevosita xizmat ko'rsatuvchi tashkilotlarga 100 (yuz) foiz to'lash asosida amalga oshirilishi qayd etilsin.

5. Viloyatdagi barcha xizmat ko'rsatuvchi tashkilotlar:

aholi punktlarida joylashgan chiqindi to'plash shoxobchalari va konteynerlarni zamonaviy talablar asosida tashkil etish;

qattiq va suyuq maishiy chiqindilarni olib chiqib ketish bo'yicha ko'rsatiladigan xizmatlarning sifatlari, o'z vaqtida va sanitariya qoidalariga rioya qilgan holda amalga oshirilishini ta'minlash;

davlat-xususiy sheriklik to'g'risidagi bitimlar va shartnomalardagi majburiyatlarga to'liq rioya etish uchun javobgar ekanligi belgilab qo'yilsin.

6. Termiz shahar va barcha tuman hokimlariga:

viloyat Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish boshqarmasiga qattiq, suyuq maishiy chiqindilarni to'plash va olib chiqish xizmatlari uchun majburiy to'lovlarni to'lovchi jismoniy va yuridik shaxslarning haqqoniy hisobini yuritishga ko'maklashish;

tuman (shahar) hududidagi xizmat ko'rsatuvchi tashkilotlarga hududdagi jismoniy va yuridik shaxslar bilan shartnomalar tuzishda amaliy yordam ko'rsatish;

aholi punktlari hududidan chiqindi tashishning reja-grafigini tasdiqlash hamda tasdiqlangan reja grafik asosida chiqindilarni tashish xizmatlari amalga oshirilishini qat'iy nazoratga olish vazifasi yuklatilsin.

7. Viloyat Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish boshqarmasi (B.Urunov)ga:

tuman (shahar) hokimliklari va fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari bilan hamkorlikda qattiq maishiy chiqindilarni to'plash va olib chiqish xizmatlari uchun majburiy to'lovlarni to'lovchi jismoniy va yuridik shaxslarning haqqoniy hisobi yuritilishini ta'minlash;

qattiq maishiy chiqindilarni to'plash va olib chiqish xizmatlari uchun majburiy to'lovlarni to'lash va hisobini yuritishning shakllantirilgan yagona elektron uzimi faoliyati uzluksizligini ta'minlash;

jismoniy va yuridik shaxslar tomonidan qattiq maishiy chiqindilarni to'plash va olib chiqish xizmatlari uchun majburiy to'lovlar uch oy davomida to'lanmagan taqdirda, qarzdorlikni undirish bo'yicha sudlarga da'vo arizalari kiritilishini ta'minlash;

qattiq maishiy chiqindilarni to'plash va olib chiqish xizmatlarini ko'rsatish haqidagi shartnomalar bo'yicha majburiyatlar xizmat ko'rsatuvchi tashkilotlar tomonidan bajarilishi ustidan nazoratni amalga oshirish;

jismoniy va yuridik shaxslar tomonidan xizmat ko'rsatuvchi tashkilotlar faoliyati bo'yicha kelib tushgan ma'lumotlarni tahlil qilib, viloyat hokimligiga har chorakda axborot kiritish vazifasi yuklatilsin.

8. Ushbu qarorning ijrosini nazorat qilish xalq deputatlari viloyat Kengashining Sanoat, qurilish, kommunal soha va aholiga xizmat ko'rsatish masalalari bo'yicha doimiy komissiyasi raisi (D.Djo'rayeva) zimmasiga yuklatilsin.

9. Ushbu Qaror qabul qilingan kundan kuchga kiradi.

Surxondaryo viloyati hokimi

Bobolov T.A.

